

ТОНТ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 42 (66016)
1997 йил, 4 июнь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда



Орзу

ЎЗБЕКИСТОН БОЙ БЎЛСИН

Келинг танишайлик. Ис-
мим Шохруҳбек, узим фар-
гоналикман. Худо хоҳласа,
катта булиб Америкага бо-
риб уқимоқчиман. Нега
дейсизми? Ҳар куни телеви-
зор томоша қилиб, амери-
каликлар турғисида купги-
на янгиликларга эга була-
ман. Эҳ, уларнинг
яшашини курсангиз, сиз
ҳам телевизорнинг ичига ки-
риб кетгингиз келади. Аям
менга доимо астойдил ният
қилсанг, албатта орзуинг
ушалади, дейдилар. Шунинг
учун ҳам ҳар куни овқат-
ланиб булгач, дастурхон у-
стида «Даламнинг ишлари
юришсин, опоқимнинг куз-
лари очилиб кетсин, Ойбек
амаким тузалиб кетсинлар,
аяжонимнинг умрлари узоқ
булсин, синглим Гулруҳ
катта духтир булсин, мен
ҳам Америкага бориб ке-
лай», деб дуо қиламан. Да-
дам, купинча: углим, сен
тадбиркор булганинг
маъкул десалар, аям: углим,
сендан яхши журналист чи-
қади, деб эркалатадилар. Ку-
чадаги қизалоқларни ким
хафа қилса, айбдорларни то-
пиб адабини бераман. Баъзи-
да дадамнинг миршаблик
формасини кийиб ойнакка
ҳам қараб қуяман ва катта
булсам, одамларни ёмон-
лардан қуриқлайман,
дейман.

Бир куни аям мени, син-
глиминни боғчамизга келти-
риб ишга кетдилар. Боғча-
миз узоқ булгани учун доим
аравачада Гулруҳ билан ути-
риб олардик. Уйга қайтиш
вақти булганда аям бизлар-
ни аравачалар турадиган
жойга олиб келдилар. Қара-
сак, аравачамиз йуқ, эрта-
сига ҳам, индинига ҳам то-
пилмади. Ушанда катта бул-
сам, албатта угрини топа-
ман, деб қуйгандим. Куз
очиб юмгунча миршаб
Шохруҳбекни танимай қо-
ласиз.

Қуеш булсин, ой булсин,
Ўзбекистон бой булсин.
Менга чопон, укамга
Гижинглаган той булсин.

**ШОХРУҲБЕК
ҚАҲҲОРОВ,
Фаргона шаҳар
«Гунча» болалар
боғчаси.**

ТОЛЕИНГДАН НУР ЭМАР КЎНГИЛ

КИМ ШЕЪР ЎЗМАГАНИ МАЪҚУЛ?

Мактабда аълочи эмасдим. Айниқса
математикадан. Менинг бир ёмон ода-
тим бор эди. Муаллим танлардим.
Агар овози ёқмаса ҳам дарсга кирмас-
дим. Қизиги шундаки, муаллимлар
ҳам мени жуда эркалашмас эди. Эҳти-
мол, табиатан камгап, одамови булган-
ним учундир.

Эътибор берганмисиз, аълочи бола-
лар ҳам сергап булишади. Уларнинг
хуснихати чиройли, узлари эса беух-
шов: ё орик, новча, ё семиз-у кузойнак
таққан. Ҳар ҳолда менинг тасаввурим-
да шундай-да.

Олтинчи синфда уқибтиб биринчи
шеъримни ёзганман. Ҳозир ёдимда
қолмаган, албатта.

Мен шоирликни орзу қилмаган-
ман. Учувчи булиш эди ниятим. Аммо
математика оёғимдан чалди.

Уй ҳайвонларидан отни жуда яхши
кураман. Эҳтимол, мучалим от булган-
ни учундир, билмадим. Афсуски, ша-
ҳарда от боқиш маҳол...

Мактаб ёшидан далада ишлаганман.
Пахта деса этим жунжикади. Кулла-
рим ёрилиб юрганини эслайман.

Илк шеърим (8-синф чоғим) «Ле-

нин учқуни»да босилган. Роса хурсанд
булганим ёдимда. У пайтда газетда
шеъри чиққан одам космонавтдек маш-
хур эди. Ҳатто, директор бир ҳафта
мени «сиз»лаб юрган.

Инсоннинг тақдири болалигида ҳал
булади. Болаликда уқиган китобларинг
бир умр ёддан чиқмайди. Болаликда
урганганларинг ҳамиша йулдошинг бу-
либ қолади. Умуман, болалигини бир
дақиқа эсдан чиқарган одам шеър
ёзмагани маъқул. Чунки, шоирлик бо-
ладай бетаъма, беғуборликни ёқтиради.
Шеър ёзувчи ёш дусларимга иккита
маслаҳатим бор:

1. Кечаси, уйқу ҳисобига шеър ёзма-
нг. Чунки умр шундай ҳам қисқа.

2. Ҳеч қачон шеърингизни бировга
курсатманг. Сабаби, шоирга шеър ёзиш-
ни Навоий ҳам ургатолмаган.

Ана шунақа гаплар.

МУҲАММАД ЮСУФ

*ХАЛҚ БЎЛ,
ЭЛИМ*

Қадим юртга қайтсин

қадим наволарим,

Қушлар босиб қуримасин дарёларим.

Алпомишга алла айтган момоларим

Рухини шод қилай десанг,

ҳалқ бўл, элим.

**Осмон дилнинг орзулари турнақатор,
Меҳнатсевар элинг сенга бир**

ифтихор.

**Остонамда офтоб чиқиб, офтоб ботар,
Қушларингга етай десанг, халқ бўл, элим.**

**Куйиб кетди китобларинг карвон-карвон,
Синоларинг малҳамига мушгоқ, зорман.
Кўксингга ҳам беш асрлик куюк армон,
Навоийга етай десанг, халқ бўл, элим.**

**Гўрўғлилар қонга ботса Ғиротларда,
Кўр ўғиллар юртни сотса хилватларда.
Бобуринг беҳабар ётса Ҳиротларда,
Сен бориб уйғотай десанг, халқ бўл, элим.**

**Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,
Қушлар босиб қуримасин дарёларим.
Алпомишга алла айтган момоларим,
Рухини шод қилай десанг, халқ бўл, элим.**



УНИНГГАПЛАРИ ЎҚИМЛИТУЮЛДИ

Балки бу хатни сизларга ёзмаслигим керакми? Нима бўлганда ҳам мени тинимсиз қийнаётган дардни кимгадир айтишим керак эди-ку! Мени тўғри тушунасизлар, деган умиддаман. Ҳали эндигина 15 ёшни қоралаб, ҳаётдан не-не умидларни кутаётган юрагимни, бегуборлигимни узимнинг бир оғиз ёлгон сўзим билан парчалаб юбордим. Ҳозир бутун дунё кузимга қоронгу...

Аслида ҳамма бало ўқитувчимиздан яширинча утиришга пул йиғишдан бошланди. Уша куни онамни алдаб, яқин дугонам М. нинг туғилган кунига совға оламиз, деб 100 сум олдим. Бу ҳам етмагандек, кечқурун гапимга шубҳаланиб қайта-қайта: негадир юрагим гаш, дугонагни табриклагин-у, тезда қайтгин, ёлғиз узинг бемаҳалда юрмагин, қиз бола бемаҳалда кучада юрмайди, — деб ҳавотирланиб таъкидлаётган онамга, «Бунча эзма бўлмасангиз», — деб ушқириб бердим.

Утиришга кириб борганимда қарийб ҳамма синфдошларим тулланиб булишган экан. Уларнинг орасида яқинда армиядан қайтган йигитлар ҳам бор эди. Роса яйраб утирдик. Дастурхонда ҳамма нарсаси, ҳатто, ичкилик ҳам муҳайё эди. Уртоқларим ва дугоналаримнинг қистови билан қўлимга илк бор қадаҳ ушладим. Негадир бошим айланар, тинимсиз уйнагим келарди. Даврани бушатмай уйнаётган дугоналаримга қўшилиб, ҳолдан тойгунча уйнадим. Секин аста тарқала бошладик. Яқин дугонам М. билан йўлга тушар эканман, ҳалиги бегона йигитлардан бири дугонамдан мени ёлғиз қолдиришни тинимсиз талаб қиларди. М. нинг ҳам жонига тегди шеклли, «Э, гаплашсанг, гаплаш», — деди-да, бошқа қизлар тупига қўшилиб кетиб қолди. Дугонам кетгач, у йигит менга севги изҳор қила бошлади. Ҳатто, хоҳласам, шу йилнинг узидаёқ уйланиши мумкинлигини айтди. Негадир менга унинг гаплари ёқимли туюлар ва бошим сархушликдан гир-гир айланарди.

Гап билан булиб, уртоқларим ва дугоналаримнинг аллақачон кетиб қолганларини ҳам сезмай қолибман. Йўл давомида менга яхши гапириб, хушомадлар қилиб келаётган ҳалиги йигит бирдан қупол ҳаракатлар қила бошладди.

Ичганим сабабли булса керак, мен унга қаршилик курсата олмасдим...

Азиз болалар, янги дукнимизни очгандан буён сизлардан талайгина хатлар олдик. Шулардан айримларини сизнинг эътиборингизга ҳавола этишга жазм этдик. Ўйлаймизки, бу мактублар сизнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурингизни бойтади...

Биз мактубларни қандай бўлса, шундайлигича эълон қиламиз. Марҳамат, ўқинг, хулоса чиқаринг!

Уша кундан буён яшагим келмай қолди. Энди ота-онам, синфдошларим олдида неча пуллик одам булдим. Кучага

СУТ СОТИШДАН УЯЛАМАН

Мана, ёзги таътил ҳам бош-

да, меҳнатга кунгил қуйган одам келажакда хор бўлмас экан. Шунақа гапларни айтаверишиб, миямни чарчатиб юборишади. Мен эса сут со-

ҚУЛОҒИНГГА ГАПИМ БОР




чиқсам, гуё ҳамма қўлини бигиз қилиб мени курсатаётгандек булаверади. Энди қандай яшайман?

НОДИРА, САМАРҚАНД.

— Сингилгинам, сен яшашинг керак. Яшаганда ҳам дунёда поклик ва ростлик деб аталмиш буюк неъматларнинг борлигига иймон келтириб, сиғиниб яшашинг керак. Халқда «Сўнгги пушаймон, ўзингга душман», — деган нақл бор. Агар сен ўшанда онагни меҳр ва ҳавотир тўла саволларига тўғри жавоб берганигда эди, ўша тўғрилиқ сени бу азобдан олиб қолган бўларди...

Сингилжон, тевааракка назар сол, ҳаёт давом этмоқда. Ҳали олдинда бу ҳаётнинг сенга аталган гўзал кунлари, ёруғ лаҳзалари бор. Шу ёруғ лаҳзаларни, ўз нафис қалбинг билан янада мунаввар қилиб яшашинг керак.

ланаяпти. уртоқларимнинг севинчи бир дунё, улар дам олишга, қариндош-уруғларининг уйларига, лагерларга ошиқадилар. Мен эса ёз буйи тинмасдан сут бидонларини кутарганча, шаҳарга йўл оламан. Менга қолса-ку, уртоқларимга ухшаб дам олиш учун қаергадир борсам, лекин уйимдагилар бунини тушунишмайди. Улар ҳадеб мени сут сотишга мажбур қилишади. Отамнинг айтишига қараган-



тишдан жуда ҳам уяламан. Баъзи пайтлар хурлигим келади. Менинг бошқа болалардан бирор ерим камми?

Шаҳарлик тенгдошларимнинг болалар майдончасида уйнаётганларини курганимда ичимдан эзилиб кетаман. Бу ҳам етмагандек, улар мени масҳара қилиб, устимдан кулишади. Уша пайтда нима қилишни билмай, довдираб қоламан. Ҳатто бир кунини сут сотиб булгач, бушаган бидонларим билан метрога тушганимда, яхши кийиниб олган бир аёл бурнини жийриб:

«Эй бола, нарироқ сурилсанг-чи, кийимларимга исқирт бидонларинг тегиб кетмасин», — деди. Купчилик орасида изза булдим. Уйга бориб роса туполон кутариб, бошқа сут сотишга бормаслигимни айтган эдим, устига-устак улардан ҳам гап эшитдим. Бошқа иложим қолмади. Мен ҳам тенгдошларимга ухшаб яшагим келади. Ҳозиргина сут

сотиб келдим-у, сизларга шу хатни ёзаяпман.

НАБИЖОН, ҲАЖАЛКЕНТ.

Набижон, ота-онанг жуда тўғри айтибди. Меҳнат одамнинг қалбини гўзаллаштиради. Бекорчиликдан эса ҳар хил иллатлар келиб чиқади. Тўғри, сени ҳам тушуниш керак. Сенинг ҳам ўртоқларингга ўхшаб шўхлик қилинг, ўйнанг келади. Ҳечқиси йўқ, ҳозир сен учун хўрлик бўлиб туюлаётган меҳнат сенинг келажакингга асқотади. Насиб бўлса, сен инсонининг қадрига етадиган қалб эгаси бўласан. Аслида, сенинг ҳалоллигинг меҳнатсеварлигингга ҳавас билан қараётган нигоҳлар жуда кўп. Фақат сен уларни сезмайсан, холос. Сенинг келажакингга ишонаман. Яхшиси, мана бу шеърни тушунишга ҳаракат қил:

*Бахт истаб ҳар ерга
ташлама қадам,
Олисга нигоҳинг тикма
дам-бадам,
Уйда бахтини топмаган
одам,
Асло тополмайди кезса
ҳам олам.*

ЎҚИТУВЧИМНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙДИМ

Кеча математикадан имтиҳон топширдим. Бу фандан нуқул «5»га ўқирдим. Лекин имтиҳондан «4» баҳо олдим. Балки сиз мени олган баҳосидан норози булиб бу хатни ёзаяпти, деб уйлариш. Йўқ, мени бошқа нарсаси: ноҳақлик қийнапти.

Имтиҳон топширган кунимиз ўқитувчиларимиз учун катта зиёфатга айланди. Мен уша кунини ниҳоятда ҳурмат қилган ишонган ўқитувчимни танимамай қолдим. Синфдошим Тоҳир магазинчининг нуқул «3» баҳога ўқийдиган угли имтиҳон столини ноз-неъматга тулдириб ташлагани учун лом-мим демасдан «5» баҳо олди. Одамга алам қилар экан. Ноз-неъматларга «боши билан шунгиган» ўқитувчим менга ҳатто сурамасдан «4» баҳо қўйди.

Неча йилдан буён кадрдон булиб қолган ўқитувчим куз унгимда йўқолиб қолди. Мени кўпроқ қийнаётган нарсаси мана шу...

БАҲОДИР, КАШҚАДАРЁ.

Баҳодир, ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларида ҳақиқатни излаганинг бизни қувонтирди. Сен ва сенга ўхшаганлар кўпаяверса, келажак асло завол топмайди.

Укагинам, сен поҳақликдан куйиниб, ҳаққатга талпинаётганингда пақадар баландсан, Сени яхши кўраман...



Бир йилдан сунг қулимга «Етуклик гувоҳнома» берилади. Кейинчи? Бу саволнинг жавобини бир йилдан бери излайман. Чунки савол узимга тегишли. Олий уқув юртига кириш учун интилим аниқ. Бу интилим ёки орзу урта мактабнинг юқори синф уқувчиларига хос табиийликдир. Худди шу уринда иккиланиш ёки ҳадикка ухшаш ҳаёлларим ҳам йўқ эмас. Мактабимизда 11-синфни битириб,


олис-олисларга учишга шайланаётган қушлардек тизилиб турганлар талайгина. Уларнинг ҳар бирида узига хос орзу, мақсад ва ижтимоий келиб чиқиш деган энгиллик ёки тусиқ бор. Ижтимоий келиб чиқиш деганда мен усмирнинг оилавий шароитини, жамиятда ота-онасининг тутган урни ва мулкани тушунаман. Ижтимоий келиб чиқишига қараб усмирнинг келажагини ҳам тасаввур қилиш мумкин.

Абраевнинг ўгли ҳуқуқшунос бўлмоқчи бўлади. Чунки бу касбни уелига отаси танлаган ва у углининг ҳуқуқшунос бўлиши учун ақл ва заковатни аямайди. Қизиги шунда-

● Одам бўлиш ... қийинми?



ки, у углининг дарсларни узлаштириши билан унчалик қизиқмайди. Чамаси урта мактабда олинган палагда билим олий уқув юрти ва ҳаётда унчалик асқотмаслигини билса керак. Чориевнинг ўгли «қишлоқ хужалиги олийгоҳи»га кирмоқчи-ми? Албатта киради. Яқинда уша олийгоҳнинг муътабар домлаларидан бир гуруҳи уларнинг хонадонидида меҳмон бўлишди. Демак, азиз меҳмонлар учун суйилган қўй эти домлалар танасида ҳал бўлмай туриб, углининг муаммоси ҳал бўлган. Уқиб келгач, иш билан таъминланиши ҳам тайиндир. Ишонаверинг, энг камида у ҳам келажақда отасидек раис бўлади. Озодани ҳам



менга эмас, унга беришади. Озода албатта врач бўлади. Унинг онаси узининг танишлари ва аварияда ҳалок бўлган отасининг руҳини пеш қилиб ёру-биродарларини ишга солиши табиий.

Бунақа мисоллардан унлаб келтириш мумкин. Менинг отам «Одам

булишингга қузим етмайди», — деган гапдан нарига утмайди. Отамни ҳам тушунаман: ҳаётда қанча интилимасин, узи истагандек таъминланган ва мартабали одам бўлолмаган. Ахир, ҳаётда яхши одам бўлишнинг узи старли эмас-да. Мен эса уйлаяпман. Яна бир йилдан сунг қулимга «Етуклик гувоҳнома»сини беришади. Кейинчи?..

Парвозга шайланган муазам қушларни курганмисиз? Улар ёлғиз учишади. Аввал бақувват қанотларини кериб, текшириб қуришади. Сунг оғир қузғалишади-ю, секин аста юқорилаб кетишади. Мен ҳам шундай уз қанотимга таяниб учмоқчиман...

Мустақиллик берган **ЎЗЛИК**ка ишонаман. **ОДАМ** бўлишимни исботлайман.

**ШУХРАТ,
Қашқадарё.**

Мен болалигимда ҳамша Кухна Урганчининг осмони бормикан деб уйлардим. Нимага бундай тухтамга келганман, нега Кухна Урганчининг осмонини йўқ деб уйлаганман, ҳозирча билмайман. Дадам, хоразмчасига айтганда- акам, бизни қидиртириб келаман деб эълон қилганларидан хушёр тортардик, негаки камданкам ҳолларда юз берадиган бундайин, «қидиришма»ларга, уй ишларини яхши бажарган, дарсини фақат бешга уқиган одамгина борарди. Катта саёҳатнинг шарти шундай буларди. Хуллас, Кухна Урганчга саёҳатимиз умр буйи эсимдан чиқмайдиган кўнгилли бир қидиришма бўлганди. Агар янглишмасам бу 1969 йилларнинг кеч кузлари эди: дадамнинг уша пайтларда 15-91 ХЗА белгили юк машинаси буларди. Бу машина бизга шу қадар қадрдон бўлиб кетган эдики, мошин Шовот купригидан биз тарафга айланиши билан сасидан таниб олардик. Оғам Саъдулла, синглим Турсунной, тоғамнинг угиллари Ибодулла, Одилбек (ака-укаларим Шухрат, Ёркиной, Эргашлар ҳали туғилмаган эдилар) ва мен машинага тушалган сомон устида курпага урлиб кетгандик. У роҳатли лаҳзалар йилларки, эсимдан чиқмайди. Машина силкинар, аллалар, сомон ҳиди, биз юришимиз билан осмон кенгайар, бошимиз устида юлдузлар шундай осилар, Ой

улуг бир бевафолик билан қочгани қочган эди. Биз бора-боргунча ойнинг изидан столмай армонда қолгандик. Назаримда изимиздан аргумоқлар тудаси тақа-туқ этиб югуриб келаётгандай, биз нотаниш мозий салтанатига кириб бораётгандай эдик. Бу йуллардан бир вақтлар бобомиз Нуржон Баҳодир от солиб утган. Дадамиз Матёкуб

калга қарши жангда, уз лашкарбошиси тарафидан отилиб 51 ёшида (1862-1913) шаҳид бўлганида, душман саналмиш Шомми калнинг узи қалъадан чиқиб, бобом билан видолашган экан. Шомми кал ва бобом азалдан дуст бўлиб, Исфандиёрхоннинг қутқуси билан бир-бирига қарши уришган экан. Яна бир воқеани куп эслашади: Исфандиёрхон

ган эканлар. Ҳа, биз бундан юз йиллар олдин бобомиз Нуржон ботир довруғ солиб юрган йуллардан Кухна Урганч сари борардик.

Кухна Урганчда куп ажойиб жойлар қатори, Қирқ мулла тепалиги хотирамга қаттиқ урнашиб қолди. Эмишки, бу ерда Чингизхон босқини даврида қирқта ориф

Тарихимизни ўрганамиз

ладилар. Атрофда уйқудан уйғонаётган ҳайвонлар ва қушларнинг саси эшитилар, аммо шаҳар урнида йўқ эди.

Алқисса, Нажмиддин Кубронинг узатилган оёғи шаҳарни ёв қузига қуринмайдиган этиб қўйган экан. Қалъа ичида Нажмиддинни Чингиз лашкари билан алоқадорликда айблаб гап тарқалади ва султон Хоразмшоҳга ёмонлайдилар. Султон бу гапларга инониб Нажмиддин Куброга амр этади: оёғингизни олинг. Улуг пиримиз оёғини тортгач, шаҳар ёв қузига қуринадиган бўлиб, Чингизхон лашкарлари уни горат этади.

Дадам курсатган ботиқ жойи Нажмиддин Кубро бобомиз оёғининг урни экан.

Шунда мен бу қухна хароботнинг осмонига син солиб боқдим, осмон тарам-тарам шафақ рангида, гўё йиғларди. Инондимки, Кухна Урганчининг осмони бор экан, фақат у хотира залворидан тинмай қуз ёш тукаркан.

Юрагимиз бир қадар изтиробга, бир қадар ифтихорга тулиб қайтиб келарканмиз, Кухна Урганчининг мангу шамоллари қулоғимизга: дарё шовурини, узук-юлуқ инсоний сасларни ва отлар дупурини олиб келгандай бўлди.

Хоразмлик УЛЛИБИБИ.

ОБОМОЖУ БОР ШАҲАРА



Матвафо углининг ҳикоя этишича: бобомиз Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида Моноқ музофотининг ҳокими бўлган экан. Нуржон Баҳодирхон тахаллуси билан шеър ёзган эканлар. Бу эсловнинг сабаби бобомиз айнан мана шу тупроқда ёвмут босқинини тухтатган, қавмлар орасидаги узаро низога барҳам берган эканлар. Ҳозир қалъаси учун ёвмут сардори Шомми

бобомизни камситиш учун Моноққа мовурдак арава (хон ҳарамига қиз олиб келадиган арава) юборади, бобомиз қизи Шукуржонни бир кун ичида бувамиз Матвафога узатиб юбордилар. Бобом мард, бир сузли одам бўлиб, Моноқда бозор, мачит, девонхона, қаландархона, мактаб-мадраса қурдириб, болаларга дунёвий илмлар билан бирга рус тилини ургатишни ҳам жорий қил-

инсон тириклайин сув остида қолиб кетган эмиш, эмишки вақт -бевақт бу ердан инсон оҳ-ноласига менгзаган увиллаш эшитилармиш.

Қайтиб чиқаётганимизда дадам менга галати ботиқ жойни курсатиб, бир ҳикоят айтиб бердилар.

Чингизхон лашкарлари Хоразм устига етиб келганларида галати манзарадан лол қо-

БАЛИҚ ОВЧИ

САЛОМ, УМИДАХОН!

Шоир буладиган одамнинг юраги гулнинг баргидай нозик булади: унда қувонч шабнамдай ялтираб туради. Игна кузича губоркунса — шоир дили япроқдай титрайди. Республика иқтидорли болалар анжуманида бир қизалоқ менга бир дафтар машқ шеърларини тутқазди. Уқидим. Шоира буладиган тарзи бор экан. Қувондим. «Тонг юлдузи» даяна бир умидли юлдуз порласин, янги суз порласин деб. Сизга юбораяман. Латофатхон 10-синфни битириш оstonасида турибди. Унга бахту иқбол тилайман. Шеърни унутмаслигини истайман.

Мактублар КУТИСИ

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси.

ВАФОГА ШАРАФ ЯШАЙМАН

Орзулар саробга айланса,
Ер юзи харобга айланса,
Қиёфанг юракка жойланса,
Самога талпиниб яшайман.

Заминда садоқат қолмаса,
Аллоҳга итоат қолмаса,
Қачонлар мажнунни сийлаган,
Сахрога талпиниб яшайман.

Ошиқлар унутса ҳаёни,
Булутлар беркитса зиёни,
Курмасам бир угли вафони,
Вафога талпиниб яшайман.

Недур у вужудим тирнаган,
Бу митти юракка сифмаган?
Ажабким, мен узим билмаган
Дунёга талпиниб яшайман.

ДУНИЁ

Кимга бекам, кимларгадир армон дунё,
Кимга рости, баъзиларга ёлгон дунё.
Яхшиларнинг яхшилигини ошкор этиб,
Ёмонларнинг қилмишини ҳайрон дунё.

Янглишсалар, вафосиздир дунё, дерлар,
Омад кулса, баҳосиздир дунё дерлар.
Уз ишидан кунгли тасқин топмаганлар
Дунё — дунё эмас, бари рӯё, дерлар.



Шамол тинмай савалар,
Лек, забон йуқ япроқда.
Дарахт — Она. Қийналар.
Мен шеър битгим келмоқда.

Оқиб борар анҳорлар,
Садо йуқдир тупроқда.
Бир бор утар баҳорлар,
Мен шеър битгим келмоқда.

Кеча бувим бор эди...
Бугун... менадан йироқда.
Кузимда еш шашқатор,
Мен шеър битгим келмоқда.

Дилимда куп нидолар,
Билмам, табиб қаёқда?
Фақат шеърим даволар,
Мен шеър битгим келмоқда.

Менинг севгим сенга қалқон,
Утдан омон сақлагай.
Куриқлайди доим пинҳон,
Муждадай ардоқлагай.
Биринчи у қадам босгай,
Тузоқларга, говларга,
Ҳеч аямай уқин сочгай,
Сенга келган ёвларга,
Менинг севгим сенга қалқон,
Ҳар замонда едлаб қуй.
Сен ҳам уни тумор каби
Юрагинга боғлаб қуй.

Латофат ЖҰРАБОЕВА,
Жиззах шаҳри, Парда
Ҳақимов номли мактаб
Ўқувчиси.

Асли дунё бир маромда айланмоқда,
Уни айбдор билан-айтган сўзимиздир.
Олам ичра ҳақу ноҳақ танланмоқда,
Барчасига сабаб бизнинг узимиздир.

ШЕЪР БИТИМ КЕЛМОҚДА

Эй бадкирдор, евуз ҳис,
Бироз мени қуй елғиз.
Дема суз, очма оғиз,
Мен шеър битгим келмоқда.

Бунча куп-ей балолар,
Мурғак қалбим титроқда.
Фақат шеърим даволар,
Мен шеър битгим келмоқда.

Ёшлигимда шундай бир воқеа булган эди. Эсимга тушса ҳузур қиламан.

Уша вақтда Тошкентнинг Қорақамиш мавзесида бир танобча келадиган боғимиз буларди. Бобом миришкор боғбон, етмиш ешга бориб қолган булсалар-да, ҳали тегик ва бақувват эдилар.

Боғимизнинг ёнидаги бир терак буйи пастликдан Қорақамиш суви оқар, мен молларни шу жарликда боқардим, қармоқ ташлаб балиқ тутиш билан овора булардим. Лекин қармоғимга дурустроқ балиқлар илинмасди. Жуда хафа булиб

моқ топиш керак. Сунгра уни мустаҳкам чийратма илға боғлаш ҳамда қармоқ учига катта бузоқбошини суқиш, сунг уни сувнинг унғир жойига ташлаб қуйиш керак. Қармоқни эрта-лаб бир ва кечқурун бир тортиш керак.

Бобом айтганларидек, эрта-лаб қармоқни сувга ташлаб, кечқурун текширгани бордим. Икки-уч кунгача ҳеч нарса илинмади. Шундай булса-да, балиқ овлашдан зерикмадим.

Бир куни ҳавонинг авзойи узғариб осмонни қора булут қоплади. Сунг момақалди роқ булиб ёмғир ёға бошлади.

Шиддат билан бошланган ёмғир тезда тинди. Мен ҳаммаёқ сув, лой булишига қарамай, қармоқни куриб келиш учун жар томон югурдим. Биринчи қармоқни тортидим. Ҳеч нарса йуқ. Иккинчи қармоқни қидириб зўрға топдим, ипи қаттиқ тортилиб турарди. Бирдан юрагим ҳовлиқиб кетди. Шиддат билан қармоқни тортидим. Сувдан шалопплаб отилган балиқ ут орасига тушди. Лекин балиқ қармоқдан ажралмаган эди. Чунки, балиқ қармоқни ютиб юборган экан. Балиқни оғзидаги қармоғи билан зўрға кутариб бобомнинг олдига чопдим. Менинг хурсандлигимни курган бобом:




кетардим. Хафалигимни сезган бобом бир куни шундай дедилар:

— Болам, агар сен ҳақиқатдан ҳам дурустроқ балиқ тутмоқчи булсанг, эртадан кечгача қармоқнинг тепасида утирма. Балиқлар жуда сезгир булади. Сувнинг ичида туриб ҳар қандай шарпани куради. Шу сабабли иккита каттароқ қар-

— Айтмадимми, болам. Мана бунга «балиқ овлаш» деса булади. Қани энди йулга туншайлик, — деди.

Мен катта балиқни одамларга куз-куз қилиб борардим. Йулда учраган кишиларнинг икки кузи менда эди...

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ.



Болажон шоир Рауф Субҳон.

ЖУДА ҲАМ ШИРИН БЎЛМА.

Доктор, олим, генерал булишинг шарт эмас. Академик ҳам булма. Одам булишга мажбурдирсан, бунга унутма.

Жуда ҳам аччиқ булма, туфлаб ташлайдилар.


Жуда ҳам ширин булма — ютиб юбордилар.

Қатъиятингни йуқотмай десанг, ақлинг ва иродангни оқсанга йул қуйма.

Нодон куполликка куполлик билан, доно эса юмшоқлик билан жавоб қайтаради.

Инсон ҳаёти чексизлик олдида чанг заррасидай, шундай экан, умрни ёмонлик билан булганг не даркор?

Мамазиё бобо Имомовнинг ҳикматларини оққа кўчирувчи Маҳбуба СУЛАЙМОНОВА, Учкўприк туманидаги 20-мактаб ўқувчиси.



— Учинчи йил ҳам мактабимиз таъмирланмайди, шекилли.

<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРАТИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА Таҳрир ҳайъати: Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнара ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЕРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРФИЗБОЕВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.</p>	<p>ГВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табак. Булорима — Г-0296. 11960 нусxada босилди. Қоғоз бичими — А3. Босишга топиширин вақти 19.00. Топирилди — 18.30</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Руйхатдан утин тартиби № 000137 • Манзилнинг: 700033, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй. • Нашр курааткичи: № 64563 • Телефон: 33-44-25
--	---	--	--